

Odamlarning dardini eshitish, ular bilan ochiq muloqotda bo'lish, og'irini yengil qilish — aholining davlat va jamiyatga ishonchini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Shavkat MIRZIYOYEV



ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 12 декабрь кuni мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бугун юртдошларимиз барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараларини, хусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасининг сифати тубдан яхшилаётганини ўзларининг кундалик турмушлари мисолида кўриб турибди.

Зеро, фуқароларнинг бахтли-саодатли, фаровон умр кечиришини кафолатлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш давлатимиз сийёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятдан рози қилиш — барчамизнинг энг му-

хим вазифамиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ушбу соҳани ривожлантириш, уни тубдан ислох қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу борада бирламчи тиббиёт хизмати, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган тиббий хизмат, хусусий тиббиёт, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш каби йўналишлар устувор вазифа қилиб белгиланган.

2016 йил билан қис-

лаганда ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Жорий йилда оилавий поликлиникалар 793 тага кўпайди. Туну кун фаолият кўрсатадиган 793 қишлоқ оилавий поликлиникаси ташкил этилиб, уларда тез тиббий ёрдам шохобчаси ҳамда кундузги стационарлар очилди. Сил билан касалланиш кескин камайди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари ҳудудларга 2407 марта чикди, ваҳоланки, 2016 йилда бу рақам 500 дан ошган эди. Ўтган йили уларнинг хизматидан 30 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 220 мингга етди. 100 га яқин ўзбекистонлик малакали шифокор хориждан юртимизга қайтиб, халқимизга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

2003 йилдан буён тadbirkorлик субъектларини "ягона дарча" тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга ошириб келинган.

2016 йил 1 январдан бошлаб Инспекциялар негизда Тadbirkorлик субъектларига

"ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда Ягона марказлар деб юритилади) ташкил этилди.

2017 йил 1 февралдан Ягона марказларнинг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кейинги қадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада Ягона марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

(Давоми 3-бетда.)

Jarayon Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати таълим муассасалари фаолиятида янги тизим

Сўнги йилларда Халқ таълими вазирлигига ўқитувчи-педагоглардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларнинг аксарияти бухгалтерия соҳасида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар билан боғлиқ. Хусусан, ходимларнинг ойлик иш ҳақини ҳисоблашда, директор жамғармасидан устама ҳақ тайинлашда йўл қўйилаётган қонунбузилишлар педагогларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Бу таълим муассасаларининг бухгалтерия тизимида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар борлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 августдаги "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу каби муаммоларга барҳам бериш, ҳисоб-китоб хизматини такомиллаштириш сингари мақсадларга қаратилган.

(Давоми 5-бетда.)

Қаршида нефть ва газ соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда

Ta'lim va hamkorlik

Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Қашқадарёдаги худудий тайёрлов бўлими ўз фаолиятини янги бинода олиб бормоқда.

Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти ва И.М.Губкин номидаги



Россия давлат нефть ва газ университети ўртасида тузилган ўзаро келишув меморандуми асосида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

қошида рус тилини чуқурлаштириб ўқитишга мўлжалланган тайёрлов курслари ташкил этилган эди.

(Давоми 2-бетда.)

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Муҳтож фуқароларни реабилитацион техник воситалар билан таъминлаш 90 фоизгача оширилди. Ногиронлар аравалари, эшитиш мосламалари каби буюмлар билан таъминлаш икки ҳисса ортди. Тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 49,3 миллиард сўм, яъни 2 баробар кўп маблаг ажратилди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш кўлами кенгаймоқда. Олий маълумотли шифокорлар тайёрлаш учун қабул квоталари сони 3445 тага етказилди, шундан 1180 таси мақсадли худудий квотадир. Клиник ординатурада тайёрлаш бўйича ҳам квоталар оширилди.

Тиббиётда хусусий секторни ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида ихтисослашган турлари 50 тадан 126 тага кўпайди, солиқ ва божхона имтиёзлари 2022 йилга қадар узайтирилди, "Асакабанк" ҳузурда Нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, хусусий тиббиёт муассасалари сони 400 тага кўпайди. Айни пайтда давлатга қарашли ва хусусий тиббиёт муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди.

Давлат тиббиёт ташкилотларига дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун ажратилган маблаг миқдори 821 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу 2016 йилдагидан 3,5 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестиция миқдори ошиб бормоқда. 2016 йилда 40,2 миллион доллар ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу рақам 93,5 миллионга етди.

Лекин ҳали соҳада амалга ошириш лозим бўлган ишлар кўп.

Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммо ва камчиликларни худудлар кесимида таҳлил қилиб, жойлардаги тиббиёт муассасаларининг кадрлар таъминоти ва салоҳияти етарли эмаслиги, яъни бугунги кунда мамлакатимизда 11 мингдан зиёд шифокор етишмаслиги сабабли янгидан ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш олимаётгани, бунинг сабаблари, оқибат ва ечимларига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси заифлиги, қишлоқ оилавий поликлиникаларида зарур бўлган тез тиббий ёрдам шохобчалари ва дорихоналар ташкил этилмагани, хусусий тиббиёт тизимини ривожлантиришда тadbиркорлар ишига тўсиқ бўлаётган раҳбарлар фаолияти танқид қилинди.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизими фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида фармон ва қарорлар қабул қилинганига қарамай, республика ихтисослаштирилган марказларининг худудлардаги фаолияти талаб дара-

жасида ташкил этилмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия, хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология, дерматовенерология, эндокринология, нейрохирургия каби илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар, хусусан, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишлари етарли эмаслиги, жойларда замонавий диагностика ва даволаш усуллари суст татбиқ этилаётгани, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш ҳамда аҳоли ўртасида профилактика ишлари талаб даражасида ташкил этилмаётгани муҳокама қилиниб, мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тинланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2018 йилнинг биринчи ярмида амалга оширишга лозим бўлган қатор стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни доимий назорат қилиш ва мониторингини юритиш мақсадида олти ойлик иш режасини ишлаб чиқиш ва унинг қатъий ижросини таъминлаш лозимлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, бир ҳафта муддатда ҳар бир худуд бўйича раҳбар ходимлардан иборат доимий ишлайдиган ишчи гуруҳларни тузиш ва уларнинг самарали фаолиятини таш-

кил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда "йўл хариталари" ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланиши ва қатъий назоратга олиниши қайд этилди.

Ушбу ишларни амалга оширишда тегишли эмас, балки жойлардаги реал ҳолатни чуқур ўрганган ҳолда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш талаб этилди.

Кадрлар таъминоти масаласи ечим сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, худудий ҳокимликлар билан биргаликда тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни худудлар, туманлар ва муассасалар кесимида аниқлаш, 2018 йилда бакалаврият таълим йўналишининг мақсадли қабул квотасини 2017 йилга нисбатан 20 фоиз ошириш, мақсадли магистратура 10 фоиз, клиник ординатура қабул квотасини 15 фоиз ошириш белгиланди.

Тез тиббий ёрдам тизимида дори воситалари учун ажратилаётган маблағларни 2018 йилда камидан икки баробар ошириш ва худудлар кесимида бир меъёрга молиялаштириш бўйича чоралар кўриш топширилди.

Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунда ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган перинатал хизматни такомиллаштириш, оналар,

гўдақлар ва болалар ўлимини камайтириш, туғма нуқсонли ва наслий касалликлар билан туғилишларнинг олдини олиш, турғуқ комплекслари ва болалар шифохоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида аёллар тиббий кўригини тўлақонли ташкил этиш тизимини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Хусусий тиббиётни тизимли асосда ривожлантиришга қаратилган топшириқлар берилди. Хусусан, пойтахтимизда фаолиятини бошлаган "Акфа медлайн" хусусий тиббиёт муассасаси негизда мамлакатимизда хусусий тиббиётни ривожлантириш ва уларга малака кадрлар тайёрлаш бўйича қўув-даволаш марказини ташкил этиш, мазкур тиббиёт маркази ҳамкорлигида Корея Республикасининг олий таълим тиббиёт муассасаси ва унинг худудий филиалларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда аҳолининг худудларга хос касаллигини кўрсаткичлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тор йўналишларга ихтисослашган стационар шaroитдаги хусусий тиббиёт ташкилотларини кўпроқ ташкил этиш топширилди.

ЎЗА

Қаршида нефть ва газ соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дастлаб, рус тили чуқурлаштириб ўқитиладиган курсларда ўқиш истагини билдирган ўрта махсус таълим муассасаларининг 2 минг 288 нафар ўқувчисидан 800 дан зиёди саралаб олинди. Рус тилини ўрганиш бўйича уч ойлик тайёрлов курсида ўқитилган ўқувчилар жорий йилнинг 3-7 октябрь кунлари худудий тайёрлов бўлимига қабул қилиш учун тест синовларидан ўтказилди. Тест синовларидан 342 ўқувчи муваффақиятли ўтди.

Мазкур ўқув бўлими учун Қарши шаҳридаги "Хисорнефтьгаз" ташкилоти биносининг 3-қаватидан жой ажратилиб, капитал таъмирланди. Тингловчилар учун мўлжалланган 14 хонанинг барчаси замонавий ўқув жиҳозлари ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Туманлардан келадиган тингловчиларга қулайлик яратиш мақсадида худудий тайёрлов бўли-



мининг Шахрисабз, Китоб, Муборак, Ғузор ва Қамаш туманларида ажратилган касб-хунар коллежлари негизида худудий филиалла-

ри ҳам ташкил этилди.

Айни пайтда тайёрлов бўлимида вилоят бўйича 342 нафар тингловчи таълим олмақда. Хусусан,

Қарши шаҳридаги худудий тайёрлов бўлимида 146 тингловчи 10 гуруҳга бўлинган ҳолда математика, физика ва рус тили фанларини чуқур ўрганмоқда. Дарслар тўлиқ рус тилида олиб борилаётди.

— Тайёрлов бўлимидаги таълим услуги менга жуда ёқди, — дейди Қарши ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Саидолим Мирзаев. — Аввало, тартиб-интизомга алоҳида эътибор қаратилади. Коллеждаги дарсларимга ҳам ҳалақит бермайди. Ҳар икки ойда И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ўқитувчилари келиб тест синовларидан ўтказишди ва ўзлаштириш даражасини аниқлашди. Бу ерда сажиз ой давомида таълим оламиз. Шундан сўнг И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ва унинг филиалларида имтиҳондан ўтиб, ўқишни давом эттиришимиз мумкин бўлади. Агар имтиҳонлардан муваффақиятли ўта олмасак, юртимиздаги олий ўқув юртига бемалол ҳужжат топширишимиз ҳам мумкин. Келажакда нефть-газ соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилганман.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА музбири

2017-yil 13-dekabr, № 99 (9060)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқача қисқартириш имконини берувчи тadbirkorлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги "Doing Business 2018" глобал рейтингидagi "Бизнэс рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мақоми 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тadbirkorлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига айрим тизimli муаммолар тўсиқлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан фақат тadbirkorлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ханузгача турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқда;

иккинчидан, қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг мавжуд эмаслиги, улар идораларо интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминламапти;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, нархни шакллантириш механизмлари шаффоф эмас, алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларда "монопол" хизматлар кўрсатишга талаблар белгиламоқда;

тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада эканлиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асосиз молиявий харажатларга, фуқаролар кўп вақт кўтиб қолиши ва навбатлар юзага келишига ҳамда оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари кўрсатиши, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Оқорида қайд этилган омиллар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайд.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган улғувор гоғияни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тadbirkorлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи **Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш**;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича "**Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади**" тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновация ечимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идораларо электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали ("мобиль давлат хизматлари") кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илгор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш; еттинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизimli тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизimli равишда оширишни ташкил этиш.

2. Куйидагилар негизида **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги** (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилди) ташкил этилсин:

38 та штат бирлиги сонига эга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари кўрсатиши мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlари;

Тadbirkorлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари.

Куйидаги маблағлар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг 24 та штат бирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли, маҳаллий бюджетлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналарининг 157 та мутахассис лавозими штат бирлиги Агентликка ўтказилсин.

3. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сибсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такмиллаштириш;

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш; давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такмиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

4. 2018 йил 1 январдан Тadbirkorлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи **Давлат хизматлари марказларига** айлантирилсин, куйидагилар уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича, шу жумладан олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш; давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

идораларо ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан;

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилади.

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlари фаолиятини мувофиқлаштириш схемаси 1-иловага мувофиқ маълумлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Агентлик фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги "Тadbirkorлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такмиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2750-сон қарори билан ташкил этилган Тadbirkorлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида умумий штат сони доирасида 4 та штат бирлиги билан Давлат хизматлари кўрсатиши мувофиқлаштириш шубчаси ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда илгор халқаро амалиётни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларининг улларда Давлат хизматлари марказларини жойлаштиришни ҳам назарда тутган ҳолда манауви лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари замонавий биноларини тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, энг аввало, давлат-хусусий шериклик шартларида қуриш чораларини кўрсин;

янги бинолар фойдаланишга топширилгунга қадар Давлат хизматлари марказларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларида, зарур ҳолларда эса — жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини сифатли кўрсатиш учун зарур шaroитларни яратган ҳолда бошқа биноларда жойлаштиришни таъминласин.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда.)

9. Қуйидагилар:

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 2-иловага мувофиқ;

2018–2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, “ягона дарча” тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар ва Рўйхатнинг амалга оширилиш борилишини ҳар ойда кўриб чиқсин.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2412-сон ва 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизминини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2750-сон қарорларига мувофиқ Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Рўйхатда кўрсатилган масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар белгиланган муддатларда:

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва бошқа ақлар-

нинг намунавий шакллари, бланкаларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат хизматларининг тегишли турларини кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadigan ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб этиш бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиришни таъминласин.

Белгилансинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар уларнинг Давлат хизматлари ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, 2018 йил 1 июндан бошлаб эса мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайд.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси Адлия вазирлигига халқаро ва хорижий ташкилотлар билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун техник кўмаклашни маблағлари ва грантларни жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширишда кўмаклашсин.

13. Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, “Узинжиниринг” Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун зарур ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш ва аппарат-дастурий комплексларни ўрнатишнинг концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириги тайёрлишини ҳамда тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, аппарат-дастурий комплекслар ўрнатилишини таъминласин;

Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, серверлари ва бошқа ускуналарини инвентаризациядан ўтказиб, кейинчалик уларни Агентликнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин ва идоралараро

электрон ҳамкорликини жорий этсин;

Агентлик билан биргаликда унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказларини зарур видео, аудио ва бошқа ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин ҳамда реал вақт режимда давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини масофадан кузатишни ташкил қилсин.

14. Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўрган ҳолда тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا шарҳ

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчиллик билан такомиллаштириш аҳоли ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат органларининг мазкур соҳадаги фаолияти сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда мақбул шарт-шароитлар ва қулайликлар яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2017 йил 1 февралдан Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасаруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича муҳим қадам бўлиб, вертикал бошқаруви шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада ушбу марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги “Doing Business 2018” глобал рейтингидagi “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, халқ билан очик мулоқот натижалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишида айрим тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Авваламбор, “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ханузгача турли давлат органлари ва ташкилотларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Катор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги вазиятни мураккаблаштириб, барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминлаш имконини бермапти.

Бундан ташқари, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари фуқаролар учун мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, уларнинг нархини шакллантириш механизмлари эса шаффоф эмас. Натижада алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларнинг юзага келишига олиб келган.

Айрим ҳолларда фуқаролар давлат органларига мурожаат қилишда асослангилмаган молиявий харажатларга дуч келмоқдалар, энг аввало, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражадалиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолганидан андозалари навбатлар юзага келишига олиб келмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатишини, шу жумладан реал вақт режимда масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат

қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмаслиги ушбу хизматлар соҳасида қонунийликни таъминлашнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайд.

Айнан шу муносабат билан Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имконини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улугвор ғояни сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди.

Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъулият юкланган алоҳида давлат органи — **Давлат хизматлари агентлиги** ҳудудий бўлинмалари билан ташкил этилди. Бу амалга оширилаётган ислохотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқаруви амалга оширишнинг аниқ ташкилий-институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 13-dekabr, № 99 (9060)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

(Давоми. Боши 4-бетда.)

Эндиликда "ягона дарча" тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қилади. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфсиз тезкорлик билан кўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг кундалик ҳаётини жиддий равишда энгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.

Давлат хизматлари кўрсатишда яқинда ташкил этилган ўзига хос институт — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари**нинг фаол иштироки ўхшаши бўлмаган энг муҳим янгилликлардан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг аҳоли билан самарали мулоқотини ташкил этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқилиши сифат жиҳатидан янги тизимини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнаган мазкур институтлар фаолиятининг ижобий яқини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш соҳаси уларнинг бевосита мувофиқлаштирувида бўлиши назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида Халқ қабулхоналари ва Давлат хизматлари марказлари туман (шаҳар) микросида ягона яхлит фаолият олиб бориб, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали тизimini шакллантириш имконини беради.

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини самарали ташкил этишдан ташқари, ахборот алмашинуви бўйича идоралараро, энг аввало, электрон ҳамкорлигининг таъсирчан механизmlарини жорий этиш

мазкур соҳада муваффақиятга эришиш учун халқчилуви омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан Фармонда **Давлат хизматлари ягона реестрини** ташкил этиш, давлат хизматларининг ҳар бири тури бўйича ягона маъмурий регламентлар ишлаб чиқиш, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларида ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари ҳамда дастурий маҳсулотларни, шунингдек, аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бу давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида **"Фуқаролар эмас, хўжатлар ҳаракатланади"** деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради.

Интернет ва мобил технологияларнинг фаол жорий этилиши хизматдан фойдаланувчилар давлат органларига зарур ҳолларда боришлари, оддий ҳолларда эса хизматлар масофадан электрон тартибда кўрсатилиши билан боғлиқ гоғларнинг истиқболда амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, Фармон билан Давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат хизматларининг сонини, айниқса, фуқаролар учун босқичма-босқич жиддий равишда оширишни ҳисобга олган ҳолда хизматдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган бино ва иншоотларни тўлиқ янгиллашга зарурат мавжуд.

Шу муносабат билан масъул идораларга Давлат хизматлари марказларининг янги қиёфасини ишлаб чиқиш топширилган, маҳаллий ҳокимият органлари эса Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда биноларни босқичма-босқич янгиллаш таъминлайди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жум-

ладан соғлиқни сақлаш, лицензиялаш, солиқ, божхона ва бошқа соҳаларда жадал сифат жиҳатидан яхшилашнинг муҳим механизмлари, шунингдек, давлат хизматлари бўйича мобил иловаларни ишлаб чиқиш, хизматларни олиш жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш, аҳоли билан тезкор алоқалар, расмий веб-сайтлардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида қайта алоқанинг самарали тизimini ташкил этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Шунингдек, 2018–2020 йилларда жорий этилишига қараб Давлат хизматлари марказларида "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатиладиган **58 та** давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди.

Уларнинг қаторида уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, яқка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга руҳсатнома, турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш, турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий хўжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар мавжуд.

Фармон билан давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги ташкилий асослари жорий этилмоқда, давлат ва аҳоли ўзаро ҳамкорлигининг замонавий концепциясига пойдевор қўйилмоқда.

Аҳоли билан ўзаро боғлайдиган ягона жой сифатида Давлат хизматлари марказлари ва Халқ қабулхоналари давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш, фуқароларнинг вақт ва молиявий харажатларини камайтириш, шунингдек, уларнинг давлат органлари фаолиятининг қаноатланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қарорда таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ва назоратни кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмининг тақомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги му-

гистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларида Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилмоқда. Мазкур тизим туман (шаҳар)даги марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати фаолиятини назорат қилиб, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши

лим муассасаларидаги индивидуал бухгалтерия самарали фаолият юритиши учун мактаб директори ҳам етарли даражада ҳисоб-китоб илмига эга бўлиши талаб қилинади. Табиийки, мактаб директорлари бу борада етарли билимга эга бўлмагач, турли қонунбузилишлари юзга келарди: Кимдир директор фонди маблағларини нотў-

ри педагог-ҳодимларнинг маълумотномани тасдиқлагач, "ЎзАСБО" электрон дастури орқали уни марказлашган молия-бухгалтерияга жўнатади. Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати ҳисобчилари қабул қилиб олган хўжатларнинг ҳисоб-китобини қилиб, белгиланган муддатда тумандаги барча

таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисидаги низомида таълим муассасаси раҳбари ўртасидаги муносабат тартибга солинган. Таъкидланганидек, хизмат кўрсатиладиган муассаса раҳбарлари бухгалтерия ҳисоби ва назорати учун зарур хўжатлар, жумладан, ҳодимларни лавозимга тайинлаш, мукофот, моддий ёрдам ва устамалар тайинлаш каби молиявий масалалар баён этилган хўжатларни электрон дастурдан унумли фойдаланган ҳолда марказлаштирилган бухгалтерияга белгиланган тартиб ва муддатда тақдим этади. Таълим муассасасига хизмат кўрсатиш бўйича марказлаштирилган бухгалтерияга қатор мажбуриятлар юклатилган бўлиб, улар ушбу вазифаларни ўз вақтида бажаради.

Жорий йилнинг 1 ноябрдан бошлаб Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Тошкент вилоятининг Бўка, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманлари ҳамда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида мазкур хизмат фаолияти синов тариқасида ташкил этилди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилиб, зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Ҳозир синов жараёни давом этмоқда.

Мақсадимиз босқичма-босқич таълимдан молия-ҳўжалик фаолиятини ажраттириш. Шунда таълим муассасаси раҳбари ҳозирда кунлик бирламчи иши бўлиб қолган молия-ҳўжалик фаолиятдан мутлақо холи бўлади.

НОДИР МУРОТОВ,
Халқ таълими вазирлигининг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи,
Илхом ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати

таълим муассасалари фаолиятида янги таълим тизим

ассасаларда бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадлари қўйида тутилган.

Мазкур қарорга биноан умумий ўрта таълим муассасаларида индивидуал тарзда фаолият юритиб келаётган бухгалтерия хизмати фаолияти тугатилиб, туман (шаҳар) халқ таълими муассасаларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилади.

Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати қўйи муассасаларнинг харажатлар сметаси тузилиши ва ижро этилиши, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, товар, иш ва хизматларнинг харид қилиниши, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш, фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)дан тўлашдан даромадлар мониторингини юритиш каби вазифаларини бажаради.

Ўз навбатида, Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпо-

во талон-тарож қилинишининг олдини олиш, тасарруфидоги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш, бюджет ҳисобининг юритилиши, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда профилактика ишлари билан шугулланади. Шунингдек, асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, қонунбузарликларга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилишда бевосита иштирок этади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 31 октябрда Халқ таълими вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда "Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги 346-сон буйруғи қабул қилинди. Низомида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг вазифа ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Бугунги кунга қадар таъ-

ри тақсимлайди, яна кимдир ўз таниш-билишларига устамалар беришга интилади. Утган йиллар давомида бизга фуқаролардан келиб тушган кўплаб мурожаатларда айни шу мавзу кўтарилган. Мазкур қарор асосида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ташкил этилаётгани шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш ва коррупцияга барҳам беришда муайян тизим яратилади. Педагог-ҳодимларга ойлик маоши ва турли устамалар берилишида шаффофликни таъминлашга эришилади. Ҳар бир ўқитувчининг неча соат дарс ўтиши, унга тўланаётган иш ҳақи микдори, директор фондидан тайинланаётган устамалар кимларга берилаятгани, умуман, бюджетдан ажратилаётган маблағнинг нимага сарфланаётгани ҳақидаги маълумотлар мактабдаги "Эълонлар тахтаси"га joyлаштирилиб, жамоага очик-ойдин кўрсатиб борилади. Яна бир жиҳати, маошнинг педагог-ҳодимларга етказилишидаги янгиликдир. Мактаб директо-

ри педагог-ҳодимларнинг маълумотномани тасдиқлагач, "ЎзАСБО" электрон дастури орқали уни марказлашган молия-бухгалтерияга жўнатади. Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати ҳисобчилари қабул қилиб олган хўжатларнинг ҳисоб-китобини қилиб, белгиланган муддатда тумандаги барча

Шунингдек, ҳудуддаги таълим муассасалари сонига қараб, туман халқ таълими бўлимларидаги марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ҳисобчилари штат бирлиги тасдиқланади. Бунда ҳар бир ҳодим ўзига бириктирилган вазифани бажаради. Масалан, бир ҳисобчи маошлар бўйича ишласа, яна бири шартномалар, хизмат (иш) кўрсатиш йўналишида ҳисоб-китобни амалга оширади.

Айримларда ҳисоб-китобнинг янги таълим жорий этилиши мактаб директорининг фаолиятини мураккаблаштиради, бирон жўга пул ўтказмоқчи бўлса ҳам туманга боришга тўғри келади, деган мулоҳазалар тугилиши табиий. Аксинча, янги тизимда бу жиҳатлар анча соддалаштирилган. "Туман (шаҳар) халқ

Yangiliklarda yurt nafasi



Анджонда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хиббони очилди.

Езувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мухаммад Юсуфнинг оила аъзолари, шогирдлари, ижодкор ёшлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этган тадбирда миллий адабиётимизни ривожлантириш, китобхонлик ва мутлоа маданиятини юксалтириш, ижод аҳлига муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анджон шаҳрининг Амир Темури кўчасида Мухаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Мухаммад Юсуфнинг биости ўрнатилган хиббон барпо этилиши шоир хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишлардан бир мисол, холос.

Мактаб ва хиббон "Азимут строй" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа вақтда бунёд этилди. Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари учун 2 миллиард 648 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шохрухбек Ҳрозов томонидан яратилган биост, шунингдек, иккита фаввора, манзарали гул ва даракт кўчатлари ўтказилган мазкур хиббон Анджон шаҳрининг кўрғиға кўк қўшиш билан бирга, ёш ижодкорларни тарбиялайдиган зиё масканига айланиши шубҳасиз.

Ўзбек Миллий академик драма театрида "Энг намунали оила" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар кўмитаси, Касаба уюмлари федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 оила қатнашди.

Иштирокчилар "Оилаларнинг таништириув чиқишлари", "Биз китобхон оиламиз" ва "Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги" шартлари бўйича ўзаро баҳслашди. Яқиний натижаларга кўра, Бухоро вилоятидан Саъдийлар оиласи биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳридан Қодировлар оиласига, учинчи ўрин Самарқанд вилоятидан Ражабовлар оиласига насиб этди.

Ғолиблар ва танловнинг фаол иштирокчилари "Китобсевар оила", "Спортчи оила", "Ишбилармон оила", "Меҳрибон қайнона", "Аҳил оила", "Саховатли оила", "Ибратли келин", "Файзли оила" номинациялари бўйича ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди.

Қаршида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан "Ёш китобхон" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

14—19 ва 20—30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган танловда 30 нафар иштирокчи "Ижтимоий-сиёсий соҳа билимдони", "Маънавий-маърифий китоблар билимдони", "Бадий китоблар билимдони", "Мен севган адиб", "Шеърят" каби шартлар бўйича ўз билимини синовдан ўтказди.

Яқиний натижаларга кўра, 14—19 ёшлилар ўртасида Қарши шаҳридан уюшмаган ёшлар вакили Достон Ҳамидов, 20—30 ёшлилар ўртасида Қарши давлат университети талабаси Абдулазиз Қурбонов ғолиб бўлди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

— Бадий асар ўқиш жону дилим, — дейди Д.Ҳамидов. — Шеър машқ қилиб тураман. Уйимда мўъжазгина кутубхонам бор. Бугунга қадар 500 га яқин бадий ва илмий асарларни мутлоа қилганим. Бугунги танлов мен учун таассуротларга бой бўлди. Кўплаб китобсевар дўстлар орттиганимдан хурсандман. Чунки улар билан суҳбатлашиш жуда мароқли.

Термизда "Камалак" юлдузлари болалар ижодий фестивалининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ўтказилаётган мазкур фестивал сан'атга ошufta кўплаб ёш истеъдод эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Вилоятда танловнинг кўйи босқичларида 3 минг 900 дан ортиқ ўқувчи умумтоз ва замонавий ўқишчилик, наср ва назм, мусика асбоблари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, рақс каби йўналишларда билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Уларнинг 245 нафари вилоят босқичида иштирок этди. Яқинда саккиз нафар ўқувчиға танловнинг мамлакат босқичига йўланма берилди.

Шўрчи туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Камола Жумоева ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди.

— Дарсдан бўш вақтимда рақс тўғарағига қатнашаман, — дейди Камола. — Бугун изланишларим юқори баҳоланганидан хурсандман. Бундай тадбирлар бизнинг маҳоратимизни оширишга кўмаклашиши билан бирга, унда эътироф этилиши янги марралар сари руҳлантиради.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Ёш оилаларга байрам тухфаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан Қарши шаҳрида 64 ёш оилаға мўлжалланган «Ёшлар уйи» тантанали равишда фойдаланишға топширилди.

"Ёшлар уйи"ни топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Қарши шаҳри "Роғузар"

МФЙда жойлашган 64 хонадонға мўлжалланган "Ёшлар уйи" ўз эгаларига топширилди, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Шомурод Сатторов. — Янги уйға эға бўлган ёш оилалар вакилларининг қувончи чексиз. 2018 йилда Қашқадарё ви-

лоятда ёшлар учун 5 та, яъни, Қарши шаҳрида 3 та, Қарши ҳамда Чирқоч туманларида 1 тадан, жами 256 хонадондан иборат кўп қаватли тураржой бинолари қурилиш режалаштирилган.

Барча қулайликларға эға бу 64 хонадондан иборат тураржойнинг имтиёзли кредит асосида, бошланғич тўловларсиз берилаётгани ёш оилалар учун катта имкониятдир.

Ахбор СОДИҚОВ

Коррупция — таракқиётға таҳдид

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Коррупцияға қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамкорлигида "Коррупцияға қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни: ютуқ ва вазифалар" мавзусида семинар ўтказилди. Йиғилишда оммавий ахборот воситаларида коррупциянинг олдини олиш, порахўрликнинг салбий оқибатлари ҳақида эълон қилинаётган материаллар мазмунини ҳақида сўз юритилди.

— Қонунға амал қилган, зиммасига юкланган масъулиятни теран ҳис этиб, вазифасига виждонан ёндашган киши ҳеч қачон коррупция ботқоғига ботмайди. Шу боис давлат хизматчиси ҳалол, ҳақиқатпарвар, жонқуяр бўлиши, халқ манфаатини барча нарсадан устун қўйиши ке-

рак, — дейди Бош прокуратуранинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияға қарши курашиш бошқармаси прокурори Каримжон Мусоайёхов. — "Коррупцияға қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳаёлот ишлаб, ҳаёт кечирлишида, демократик жамият қуриш ва ислохотларни ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этишида муҳим аҳамият касб этади. Журналистик суриштириув, таҳлилий-танқидий материалларнинг оммавий ахборот воситаларида кўпайиши коррупциянинг олдини олишға хизмат қилади.

Очиқ мулоқот, баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбирда оммавий ахборот воситалари орқали коррупциянинг олдини олишға доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолиға кенг тушунтириш, таҳлилий материалларни кўпайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Индонезиялик меҳмонлар Самарқандда

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалға оширилмоқда. Жумладан, Самарқанднинг туризм салохиятини ошириш, зиёратгоҳ ва қадамжолар, тарихий обиддаларни хориқликларға кенг таништириш ҳамда сифатли хизмат кўрсатишға доир чора-тадбирлар ҳаётға татбиқ қилинмоқда.

Яқинда Индонезиядаги «Истиклол» жоме масжиди бош имом-хатиби, профессор Насриддин Умар бошчилигидаги меҳмонлар сайёҳлар учун яратилаётган қулайликлар билан танишиш ҳамда бу борадаги

ҳамкорлик миқёсини ошириш мақсадига Самарқанд шаҳримом-хатиби, профессор Насриддин Умар бошчилигидаги меҳмонлар сайёҳлар учун яратилаётган қулайликлар билан танишиш ҳамда бу борадаги

лик, келгусида белгиланган вазифалар ва Индонезиядан Самарқандға қартер авиақатновларни йўлга қўйиш орқали зиёрат турларини йўлга қўйиш масалалари ҳусусида фикр алмашилди.

Индонезиялик меҳмонлар Имом Бухорий мажмуаси, тарихий обиддалар, улара сайёҳлар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан танишди.

Ҳаким ЖҮРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

«Мустаҳкам оила» дастури амалда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти "Гийёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш" бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минақадвий ваколатхонаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила" дастури бўйича амалға оширилган ишлар юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати юртимизда "Мустаҳкам оила" дастурини ҳаётға татбиқ этиш, таҳриба-синов натижаларини баҳолаш ҳамда амалға ошириш кўламини кенгайтириш масаласиға бағишланди.

Фаровон ҳаётимиз қафолати

Юртимизда Бош Қомусимизнинг 25 йиллигиға бағишланган байрам тадбирлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 237-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Тадбир бошланғич синф ўқувчилари томонидан тайёрланган бадий дастур намойиши билан бошланди. Сўз олганлар Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, унда барча ҳуқуқ ва эркинликлар тўла ўз аксини топганини алоҳида таъкидладилар.

— Ўғил-қизларимизни ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ҳуқуқий маданияти юксак авлод этиб тарбиялаш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Нуржамол Камолова. — Шу боис улараға ҳозирданок қонунларнинг ҳётимиздаги ўрни,

аҳамияти тўғрисида тушунчалар бериб бормоқдаимиз. Бу каби тадбирлар ана шундай эзгу мақсадға хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирда мактаб ўқувчилари турли саҳна кўринишлари орқали асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларимизни ҳаётий мисоллар ёрдамида ифодаладилар.

Сардор МАТРОФОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 13-dekabr, № 99 (9060)

Иш ўрни қисқарган педагог

унинг бандлигини таъминлашга ким масъул?

Олий таълим муассасасида ўқитган, айниқса, уни яқинлаш арафасидаги ёшларнинг ният-мақсади ниҳоятда баланд бўлади. Таҳсилни тамомлагач, борган жойини обод қилиш истаги билан яшай бошлайди. **Ғиёс Тўхтаев ҳам 2013 йили Навоий давлат педагогика институтини шундай катта ниятлар билан тугатиб, Хатирчи қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида иш бошлади. Ёш муаллим фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ вазифасига масъулият билан ёндашиши, жонкуяр ва талабчанлиги туфайли жамоадошлари, ўқувчилар ва ота-оналар хурматини қозонди. Айниқса, 2017 йил педагог учун омадли бўлди. Ўқувчиси Ботир Носиров умумтаълим фанлари олимпиадасининг республика босқичида энг юқори балл билан биринчи ўринни эгаллаб, олий таълим муассасасига имтиёзли ўқишга кириш имкониятини қўлга киритди. Педагогининг ўзи аттестация жараёнида қирқта саволининг ўттиз тўққизтасига тўғри жавоб топиб, компетентли педагог эканини амалда кўрсатди. Изланувчан ўқитувчи география ва иқтисодий билим асослари фани бўйича кузатиш ва тажрибаларига таяниб "Замонавий ўқитиш методикаси" рисоласини ҳамда мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда қўл келадиган тестлар тўпламини яратишга киришган эди. Бироқ... Умумтаълим муассасаларида 11 йиллик таълим қайта тиклангач, коллеждеги айрим штатлар қисқартирилиб, Ғиёс Тўхтаев ҳам "кўчада қолди".**

— Иш ўрним қисқаргач, туманимиздаги деярли барча мактаблар эшигини қокдим. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларига учрадим. Тўғри, айримларидан жавоб бўлди. Яқинда туман бандликка кўмаклашиш марказидан кўнғирок қилиб, яшаш жойимдан 80 километр узоқдаги мактабда иш борлигини айтишди. Ойлиги 200 минг сўм атрофида экан. Чамалаб кўрсам, бу пул йўлқирамга ҳам етмас экан. Оилада ёлғиз ўғилман. Ота-онамга қарашим керак. Шароитни тушунтирсам, масъуллар: "Бўлмаса, "ишламайман", деб тилхат ёзиб беринг", дейишди, — дейди муаллим. — Ҳаёт давом этапти. Уларга араз қилиб уйда ўтириб бўлмайди. Қора қозон қайнаши учун ҳовлижой қураётганларнинг уйида ишлаб, тирикчилик қиялман. Ҳалол меҳнат қилиш айб эмас. Бироқ қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Деярли ҳамма хонадонда ўқувчиларим бор. Уларга: "Аёло ўқисангиз, яхши жойларда ишлаб, элда обрў топасиз", деган гапни дарсларда кўп айтганман. Бугун кунўтарга лой кечиб юрганимни кўрган

болалар бошқача хулосага келмайдимиз? Ўқитувчига, энг ёмони, билим эгаллашга ихлоси сўнмайдимиз?

Мунисахон Фафурова ва Ғолиб Бегалиев ҳам шу коллеж ўқитувчилари эди. Бу йилдан муассасанинг 1-курсига ўқувчиларни қабул қилиш тўхтатилгани боис жисмоний тарбия фанидан дарс бераётган Мунисахон билан меҳнат шартномаси бекар қилинди. Шундан сўнг мураббийнинг ҳудуддаги бир неча мактабга иш сўраб боришига тўғри келди.

— **Мактаб директорларининг "Эртага келинг, индин келинг" деган мужжал жавобидан ҳафсалам пир бўлгач, бир неча марта туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилдим. Ҳозирча бирор натижа чиқмади, — дейди Мунисахон Фафурова.**

— Ҳар ҳолда турмуш ўртоғим иш билан таъминланди. Ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлаяпти. Шунисига ҳам шўкр.

— Ёш оила сифатида кредитга намунали уйлардан харид қилганмиз. Ҳар ойда бир ярим миллион сўмдан зиёд кредит суммасини тўлашимиз керак, — дейди Ғолиб Бегалиев. — Менинг маошим тўлиқ шунга йўналтирилляпти. Аёлим ҳам ишли бўлса, ҳаётимиз фаровон кечарди.

Коллеж маъмуриятининг маълум қилишича, айни пайтда меҳнат шартномаси бекар қилинган 9 нафар ўқитувчи иш билан таъминланмаган. Ходимлар орасида 0,4 ва ҳатто ундан ҳам кам ставкада ишлаётганлар бор.

Шу масала юзасидан Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига қилган мурожаатимизга жавобан тақдим этилган маълумотнома(ноябрь)да "Ишга жойлашмаган ўқитувчиларнинг сони" катигада "0" кўрсаткичи турибди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари оптималлаштирилиши муносабати билан тизимдаги 51 муассасада меҳнат қилиб келган 1535 нафар педагогининг иш ўрни қисқартирилган. Жумладан, математика (194), жисмоний тарбия (170), она тили ва адабиёт (154), махсус фанлар(139)дан дарс бераётган ўқитувчиларни иш билан таъминлаш зарурати туғилган. 1138 нафар ўқитувчи дарс соати (ва маоши) камайган бўлсада, фаолиятини давом эттирмоқда. Бу кўрсаткич Хатирчи туманида 462, Қизилтепада 224, Навбахор туманида 212, Навоий шаҳрида 194 нафарни, бошқа ҳудудлардан ундан камроқни ташкил этади. Навоий давлат қончили институтини қошидаги Зарафшон ҳамда Навоий давлат педагогика институтини қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейлари фаолияти тугатилгангани 133,9 ставкада ишлаётган педагогларнинг келгуси тақдирини хусусида фақат ўйлаш билан чекланмай, тегишли амалий чора-тадбирлар кўришни талаб этади.

— Муаммони бартараф этишга кўмаклашишни

сўраб вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимликларига, халқ таълими ва бандликка кўмаклашиш бошқармаларига расмий хат билан мурожаат қилганмиз, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиги Лочин Облақулов. — Бунинг самараси ўларок, штати қисқарган педагогларнинг аксарияти мактабларга ишга жойлаштирилди. Ўзи ўрганган жамоада қолишни истаган ўқитувчиларни камроқ дарс соати ажратиб бўлса-да, таълим муассасасида қолдирдик.

Яна, бошқарма таҳлилида Хатирчи қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида штати қисқараётган ўқитувчилар сони 99 нафар, дея қайд этилган. Бироқ муассаса раҳбари Юсуф Мелиев билан суҳбатлашганимизда жамоада 112 нафар ўқитувчи билан меҳнат шартномаси бекар қилингани маълум бўлди.

Рақамлардаги ноаниқликларга изоҳ излаб турганимизда, бошқарманинг раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш шўъбаси мудири Шаҳбоз Кўчқоров шундай деди:

— Биз бу жадвални касб-хунар таълими муассасалари раҳбарияти берган маълумотлар асосида шакллантирганмиз. Тўлиқ иш ставкаси билан таъминланмаганлар бўлиши мумкин. Бунда ҳам ходимларнинг ўз хоҳиш-истаклари инobatга олинган.

Дано халқимиз билиб, топиб айтган "Ойни этак билан ёпиб бўлмайди", "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади" каби ҳикматлар мазмунини ҳаммамиз яхши биламиз. Қолаверса, ишни "қоғозда битириш" амалиётини бугун давр кўтармайди. Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 2 август кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида

ўтказилган видеоселектор йиғилиши умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланиб, педагогларни ижтимоий ғимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган, касб-хунар коллежларининг иш ўрни қисқарган барча ўқитувчиларини мутахассаслиги бўйича иш билан таъминлаш юзасидан мутасадди ташкилотларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилган эди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида юртдошларимиз дардига кулоқ тутиб, уларнинг бугундан рози, эртанги кунга ишонч билан яшашига имконият яратиш ҳудудлардаги мутасаддилар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига ҳам мурожаат қилдик. Бизга йўланган жавоб хати иловасида 2017-2018 ўқув йилида янги ишга қабул қилинган 1055 нафар педагогдан 486 нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида иш ўрни қисқарган ўқитувчилар экани кўрсатилган.

Мавзу доирасида мушоҳада юритар эканмиз, бу муаммо фақат Навоий вилоятида эмас, бошқа ҳудудларда ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қилдик. Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий ўқув йилида республикамиз бўйича академик лицей ва коллежлар оптималлаштирилгани туфайли иш ўрни қисқарган қарийб 20 минг нафар педагогдан 17 минг нафари (82 фоизи)нинг бандлиги таъминланган. Демак, қолган 18 фоиз соҳа ходими ҳозирча муқим иш ўрнига эга эмас.

Ойбуви ОЧИЛОВА, "Ma'rifat" мухбири

Методист ўқитувчи масъулияти

Миробод туманидаги 125-мактабда ўтказилган методист-ўқитувчининг мақсад ва вазифаларига бағишланган семинарда таълим жараёнининг долзарб муаммоларига ечим топиш, педагогларнинг ўзаро тажриба алмашишига эътибор қаратилди. Тадбирда туман мактабларида фаолият олиб бораётган маҳоратли методист-ўқитувчилар танлаб олиниб, методик ёрдам берувчи ишланмалар яратилаётгани таъкидланди.




— Бу тавсиялар ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлайди, — дейди 125-мактаб ўқитувчиси Дилноза Ҳасанова. — География дарсларида харита билан ишлаш, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб интерфаол усуллардан фойдаланиш муҳим. Бу ўқувчиларнинг мавзуларни қай даражада ўзлаштираётганини аниқлаш имконини беради.

Шоира БОЙМУРОДОВА
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

«Islom Karimov xotirasiga bag'ishlangan eng yaxshi ilmiy-ommabop maqola» ko'rik-tanloviga

Илм ва фандан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлишини... Илм Каримов ўзига ҳам, миллатдошларига ҳам бир ибратли фикрга асосланиш кераклигини уқтирди: «Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан бирidir».



Миллат хазинасини бойитган мутафаккир

1. Бaxт учун кураш дастури

Аждодларимиз 130 йил орзулаган истиқлолни эълон қилиб тарихимиз зарваракларида ўз номини муҳрлаган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов юртимизни дунёга танитиш йўлида умрини бахшида этди. Бундай баҳо одатда халқини мустамлака зулмидан озодликка олиб чиққан ҳар қандай юртининг ватанпарвар раҳбарига нисбатан қўлланилиши табиий ҳол. Лекин уларнинг жуда оз қисмигина Ислам Каримовдек тadbир қўлаган — мамлакатнинг узoқ муддатта мўлжалланган ривожланиш дастурини ишлаб чиққан.

Биринчи Президенти нутқ сўзлаганда. Ушанда кўпчилик қорин гамида аввало иқтисодий масалаларга эътибор бергани ҳам бор гап. Лекин маъмур нутқнинг маънавий масаласига бағишланган қисмини аксаримиз, жумладан, ўзим ҳам эътиборсиз қолдирганимни газета таҳлавларини титқилаб, топиб, қайта ўқиб англадим, десам қўйида келтирилаётган иқтисодий фикрнинг муболага эмаслигини исботлайди.

«Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳoliniнг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий кадриятлар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак.

2. Таълим довоми Миллатни тиклашда асрга татиғлик натижа берган ана шу ҳаётбахш дастур 1997 йили Олий Мажлис депутatlари томонидан қонун даражасида қабул қилинди.

Фан миллий моделнинг салмоқли, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимларни шакллантиради, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижаларни жамлайди, олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлайди, мамлакатимиз илм-фаннинг жаҳон илм-фанига интеграциялашуви, зомонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларнинг халқро микъсда алмашинувини амалга оширади.

эди. Мустақиллик йилларида КТМД асосидаги Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури амалга оширилгунга қадар 1 миллион 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилганлиги ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз.

Умуммиллий дастур доирасида (2004—2009 йиллар) 8501 та, хусусан, 351 та янги мактаб биноси қурилди, 2470 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 та мактаб мукаммал, 2069 таси жорий таъмирланди. Ундан кейинги, яъни 2010—2016 йилларда эса 2255 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Маъмур бунёдкорликлар учун қарийб 3 триллион сўм маблағ сарфланди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ҳар бир таълим муассасасини зомонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан таъминлаш учун эса 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.



фойдаланишлари, халқро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун имкониятлар яратиш, юртимизнинг жаҳон майдонида юқори нуфузни таъминлаш мақсадида чет тилларни биринчи синфдан бошлаб ўқитиш жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Узлуксиз таълимнинг барча турлари учун чет тилларидан давлат таълим стандартлари яратилиб, тасдиқланди ва 2013—2014 ўқув йилидан бошлаб мактабларда ўқитила бошланди. Катта меҳнат ва маблағлар сарфланиб, 1—4-синфлар учун дарслик маъмулари (дарслик, ўқитувчи китоби, машқ дафтери ва DVD диск) чоп этилди ва ўқувчиларга бепул етказиб берилди. 5—9-синфларда дарс бераётган ўқитувчилар учун эса чет тиллар бўйича методик қўлланмалар янги стандарт асосида қайта яратилиб, чоп этилди. Бошланғич синфларда чет тилларни ўқитиш учун 17222 та чет тили хоналари тайёрланди ва уларнинг барчаси DVD-магнитола, компьютер, проектор ва бошқа ўқув-қўргазмали қуроллар, луғат ва адабиётлар билан таъминланди.

Ҳалим САИДОВ, «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндори (Давоми келгуси сонда.)

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик

Концепция лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бу соҳага кенг жалб этиш, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқараши, фуқаролик позицияларини vatanпарварлик асосида камол топтириш мақсадида Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шу муносабат билан Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси лойиҳаси хусусидаги фикр, мулоҳаза, таклиф ва истакларингизни шу йилнинг 20 декабрь кунига қадар куйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Мудофаа вазирлиги электрон манзили: vatan@evo.uz, mv-vatan@mail.ru.

I. Умумий қондалар

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) — мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир шароитда ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини, ўзаро ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради.

Концепцияда ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашга оид мавжуд тизимга танқидий баҳо берилиб, уни мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига jismonan ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас бир қисми сифатида қаралади.

Она Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илму маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш ва шу тариқа Ўзбекистоннинг ҳақиқий vatanпарвар фуқароларини тарбиялаш Концепциянинг асосий маъномазмунини ташкил этади.

II. Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш —

миллати, тили ва касбидан қатъи назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг қўп bosқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятidir.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган асосий мақсад — ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашда куйидагилар асосий вазифалар этиб белгиланади:

ёшларни миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикасига, унинг халқи ва Президентига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равақи йўлида фидокорона курашган миллий қахрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончини кучайтириш;

миллий армиямизга jismonan бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунча ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

жанговар ҳаракатларга мослашиш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий техника воситаларидан самарали фойдаланиш малака-

сига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида, ҳар бир қадамда ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар билан ёшлар онгига сингдириб бориш.

III. Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш тизими ва унинг асосий тамойиллари

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш тизими узлуксиз жараён бўлиб, у бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Қуроли Кучларнинг умумий ҳарбий низомлари, Мудофаа вазирлиги, Қуроли Кучлар тизимидаги идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш тизими куйидаги тузилмаларни қамраб олади:

таълим-тарбия жараёнининг энг муҳим ва асосий бўғини бўлган болалар боғчасидан бошлаб ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик кадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари;

оммавий ва ҳарбий-вatanпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Қуроли Кучлар тузилмалари, мудофаа ишлари бошқармалари, ҳарбий қисмлар ва муассасалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, фахрийлар кенгашлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилмалари ва бошқа ташкилотлар.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда олиб борилиб, унинг самарадорлиги учун жамиятнинг барча субъектлари масъул ҳисобланади. Хусусан, унинг **асосий субъектларини** куйидагилар ташкил этади:

давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари;

оила;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари;

миллий ва умумбашарий кадриятлар, маданият, адабиёт, санъат; маданият ва истироҳат боғлари; болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари;

ҳарбий бошқарув органлари ва бошқалар.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш объектлари миллати, тили, жинси, ижтимоий мансублигидан қатъи назар, барча ёшлардан, хусусан, куйидагилардан иборат бўлади:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари;

умумий ўрта таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари;

уошмаган ёшлар;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчилари;

ҳарбий хизматчилар;

ташкилот ва корхоналарда фаолият олиб бораётган ёшлар.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий тамойиллари мазкур жараённинг илмий жиҳатдан асослангани, унинг мунтазамлиги, таълим-тарбия ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги, тарихийлик ва замонавийликнинг узвий боғлиқлиги билан ифодаланади ва куйидагилардан иборат бўлади:

илмийлик;

тарихийлик;

аниқлик ва тезкорлик;

мунтазамлик;

фаоллик;

таълим-тарбия ишларининг уйғунлиги;

тарбия жараёнининг изчиллиги;

ҳарбий-вatanпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш тамойиллари.

IV. Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашнинг усул ва шакллари

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари — ёшларда зарур ҳаётий билим, кўникама, маҳорат ва мустаҳкам иродани, жумладан, юксак маънавий-ахлоқий, жанговар руҳ ва фуқаролик фазилатини шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳини ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган усул ва услубларни англатади.

Куйидагилар ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий усулларида ҳисобланади:

ишонтириш;

масқ қилдириш ва мустақил ишлаш;

кузатиш;

рағбатлантириш;

ўрнак кўрсатиш, шахсий намуна ва бошқалар.

Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакллари. Ёшларни ҳарбий-вatanпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, илмий, амалий анжуманлар, савол-жавоб

руҳида тарбиялаш концепцияси

кечалари, китобхонлик, электрон ўйинлар, машур кишилар билан учрашувлар тарзида ва бошқа шаклларда ташкил этилади ва улар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди, пировард натижада жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Бунда куйидаги шакллар устувор аҳамиятга эга бўлади:

маъруза ўқиш, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий суҳбатлар;

бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган шахслар билан учрашувлар;

илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари;

тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

жамоатчилик фикри ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;

телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадий ва муסיқий асарлар, аскар қўшиқлари, ОАВ, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар, турли гаджетлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар иштирокчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар вакиллари билан учрашувлар;

ҳарбий хизматга қақирилувчилар кўни, мардлик сабоқлари ва экскурсиялар.

V. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг босқич ва йўналишлари

Давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижаларини мониторинг қилиб боришни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари микёсида ташкил этади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари асосан тўрт босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич (3–7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга турли шеърлар, куй ва қўшиқлар ўргатиш, мультфильм ва электрон ўйинлар намойиш этиш, расмлар чизиш орқали дунёни англаш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия) билан танишиш асосида уларда она юртуга муҳаббатни шакллантиришни ўз ичига олади.

Ушбу босқичда куйидагиларга

алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида дастлабки тасаввурларни шакллантириш мақсадида эрта ва ҳикояларни айтиб бериш;

она Ватанга муҳаббат, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани билан боғлиқ мавзулардаги шеър ва қўшиқларни ёд олдириш;

болаларнинг тасаввурини кенгайтиришга қаратилган расмлар чиздириш ва жисмоний қобилиятини мустаҳкамлаш учун турли мусобақа ва танловлар ташкил этиш, шу орқали уларни маънавий рағбатлантириш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги мультфильмлар ва электрон ўйинлар намойиш этиш;

ҳарбий музейлар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси билан боғлиқ маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар уюштириш.

Иккинчи босқичда (7–16 ёшдаги болалар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, она юрт олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш, ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етуқ, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга давъат этилади.

Бу босқичда:

замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги мақолалар, бадий адабиётларни мутолаа қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида маданий-маърифий тадбирлар, тематик кечалар ва қўшиқ танловларини ташкил этиш, спектакллардан лавҳалар намойиш этиш;

ўқувчи ёшлар иштирокида «Ватанимни кўз қорачиг'идек асрайман», «Юрт тақдирим — менинг тақдирим» мавзусида иншоолар танловини ташкил этиш;

соғломлаштириш оромгоҳларида «Темурубекнинг издошлари», «Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур» каби мавзуларда спорт мусобақалари ва тадбирлар ташкил этиш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида бадий ва ҳужжатли фильмлар, мультфильмлар намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ўтказиш;

дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларга буюк саркардаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни киритиш, уларнинг жасорати, фидойилиги ва қаҳрамонликлари тўғрисида ёрқин мисоллар асосида ҳикоя қилиб бериш;

«Темурубеклар мактаблари», олий ҳарбий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар ташкил этиш;

«Мард ўғлонлар» давлат мукофотига сазовор бўлган юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказиш, улар эришган ютуқ ва натижаларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида «Темурубек ворислари» ҳарбий-спорт ўйинларини босқич-ма-босқич ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилади.

Учинчи босқич (16–18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларнинг Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрлигини таъминлашга йўналтирилади.

Мазкур босқичда юқоридаги вазифаларга қўшимча равишда куйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга нисбатан уларнинг мустақил фикри ва ижобий қарашларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб бориш;

ўқувчи ёшларнинг назарий ва амалий билим ва кўникмаларини бойитиш мақсадида муҳофаа ишлари бўлимлари ва ҳарбий қисмлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли сермазмун ва қизиқарли тадбирлар ташкил этиш;

миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва маънан етуқ ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот бериб бориш.

Тўртинчи босқич (18–30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиретишга ундаш ва шунга эришишни назарда тутати. Ушбу босқичда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак, ота-она ва Ватанига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисидаги тасаввур ва билимларни янада бойитиш;

Ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлиш ва Қуролли Кучлар сафида хизмат бурчини ўтаётган ёшлар билан фахрланиш, конституцион бурч ва ҳарбий қасамдга содиқлик туйғуларини шакллантириш;

ҳарбий хизмат шaroитларига мослашиш ва ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллаш, ҳар қандай қийинчиликка тайёр туриш, матонат ва жасорат фазилатларини мустаҳкамлаш, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш;

жанговар тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни мунтазам ошириб бориш, ҳарбий жамоада қарор топган ўзаро ёрдам ва дўстона муносабатларни кадрлаш каби фазилатларни шакллантириш;

китобхонликни кенг тарғиб этиш, жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришда бадий асарларнинг роли ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш;



Loyiha

ёшларнинг ўз танлаган касбини пухта эгаллаш ва етуқ мутахассис бўлиб етишиши учун яқиндан кўмаклашиш;

миллий мафкурамизга зид бўлган ёт ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни, ўзига ишонч, хушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш;

ёшларда фаол ҳаётий позиция ва ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини аниқ баён эта олиш, масъулиятни ҳис этиш, қатъий тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини шакллантириш, уларни қатъиятли бўлишга ўргатиш.

VI. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлиги ва мезонлари

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги, аввало, бу жараённинг баркамол авлод тарбиясига, ёшларнинг ватанпарварлик даражасига қай даражада ижобий таъсир этгани билан белгиланади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги самарадорлик даражасини аниқлашнинг муҳим шарти ёшларда ватанпарварлик, ҳарбий бурч, жанговар аънаналарга содиқлик каби ҳислатларнинг реал ҳолатда янада ривожланиши ва такомиллашувига ижобий таъсир этадиган омилларни мунтазам равишда ҳисобга олиб, таҳлил этиб боришдан иборат.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим мезонларидан бири — ўсиб келаётган ёш авлод олдида жамият томонидан қўйилган талаблар бу борада олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг маъно-мазмунини, шакл ва усуллари билан қай даражада мутаносиб экани билан белгиланади.

VII. Кутилаётган натижа

Мазкур Концепция ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини ошириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, фуқаролик позицияси, Ватanni севиш ва уни кўз қорачиг'идек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларни ошириш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Концепциянинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, миллий армиямиз сафларини замонавий билим ва профессионал малакага, мустаҳкам ирода, фаол гражданлик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини беради.

Ушбу Концепция очиклик ва ошкоралик принципларига асосланган бўлиб, уни такомиллаштиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, барча юртдошларимиз ўз таклиф ва тавсиялари билан иштирок этишлари мумкин.



«Faslning eng yaxshi ijodkori»

Taxririyatimiz tomonidan anъanaviy tarzda ўtkazib kelinadigan «Faslning eng yaxshi ijodkori» tanlovining kuз fasli (sentяbrь, okтяbrь, noяbrь oйлари) якунини sarхисob қилдик. Ўтган mavсум davомида «Ma'rifat» saхifalarida долзарб mavзуларда mazмунан teran тахлилий-танқидий maқолалар, ўқитувчиларга иш faолиятида қўл кeладиган методик тавсиялар, ўқишли бадий асар ва таржима матeриаллари бeриб бoриди. «Faslning eng yaxshi ijodkori» tanlovinинг навбатдаги ғoлибларини аниқлаш жараёнида кўпгина номинaциялар бўйича ғoлибликка даъвогар номзодларнинг кўплиги бизни ҳурсанд этди.

Ҳар галликдек, газетада эълон қилинган материаллар ичидан энг муносиблари сараланди ва танлов ғoлиби дея эътироф этилди. Ғoлибликни қўлга киритган иждоқор муштарийларимизга, илғор тахрибали педагог ва муаллифларимизга самимий миннатдорлик билдирамыз.

Ғoлибларни қутлаймыз!

Танлов номинациялари номи	Ғoлиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Ғoлиб муаллифлар
«Энг яхши мақола»	«Мақтабимизда пул йиғилмайди» ёки «синф фонди» ва «мактаб фонди» учун пул йиғиш қонунийми? (2017 йил 18 октябр)	Хайрулло Абдурахмонов, Насиба Эрхонова, Фанишер Акбаров
«Сермазмун саҳифа»	Келажакка бахт эшигин оч, Қомусим! (2017 йил 4 октябр)	Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири
«Энг яхши очерк ёки эссе»	Оқсарой (2017 йил 15 ноябр)	Султонмурод Олим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқ таълими аълочиси
«Педагог-муаллифнинг долзарб материали»	Кирилми ёки лотин: муаммонинг ечими бор (2017 йил 16 сентябр)	Равшан Жомонов, филология фанлари номзоди

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғoлибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

«Кизиқарли интервью, суҳбат»	Болалар адабиёти — келажак адабиёти (2017 йил 29 ноябр)	Шодмонкул Салом
«Жозибали сурат»	Болажон китоб ўқиса... (2017 йил 11 ноябр)	Бурҳон Ризоқулов
«Самарали методик материал»	Мақтабда арузни ўрганиш муаммолари (2017 йил 28 октябр)	Шодиёр Тўраев, Қўшрабoт туманидаги 35-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
«Тарбияга оид амалий таклиф»	Ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак! (2017 йил 11 октябр)	Муҳаммаджон Қуронон, педагогика фанлари доктори
«Ўқишли бадий асар»	Йўлда (ҳикоя) (2017 йил 20 сентябр)	Исҳоқ Исмоилов

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғoлибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

«Воқеликка муносиб шарҳ»	Ишонч манзиллари сари (2017 йил 11 ноябр)	Ҳўгун Рўзиев
«Ўзига хос янгилик»	Таълим сифати мониторинги энди янгича шаклда (2017 йил 18 ноябр)	Абдурахим Носиров, Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши»	Сиз томоша залидасиз... (2017 йил 15 ноябр)	Сардор Мустафоев, ЎзДЖТУ талабаси
«Энг сара таржима материали»	Шингил ҳикоялар (2017 йил 14 октябр)	Ориф Толиб
«Энг яхши репортаж»	Эзгулик маёғи (2017 йил 16 сентябр)	Дилмурод Дўстбеков

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғoлибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

«Энг «Ma'rifat» парвар муштарий» танлови ғoлиблари

Муштарийлар, айниқса, ўқитувчи-педагогларни янада фаолликка, изланишга ва мутолаага ундаш, энг муносиб муаллифларни рағбатлантириш ва таълим-тарбияга оид илғор тахрибаларни оммалаштириш мақсадида тахририятимиз томонидан «Энг «Ma'rifat» парвар муштарий» танлови ўtkazиб келинмоқда.

Газетамиз саҳифаларида эълон қилинган таълим-тарбия сифатини ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга доир мақолалар юзасидан ўринли таклиф ва тавсиялар билдирган ҳозиржавоб муаллифлар аниқланди.

Қуйида танловнинг ғoлиблари билан танишасиз.

Сентябрь ойида:

- Феруза АКРАМОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент, «Ўсмир қалби нозик» мақоласи (2017 йил 6 сентябр, 71-сон) учун.
- Дилбар НОРМУРОДОВА, Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси, «Қимматга тушмасин» мақоласи (2017 йил 9 сентябр, 72-сон) учун.
- Дилноза НАРЗУЛЛАЕВА, Вобкент туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси, «Мақтаб ва оила назорати — ўқувчи давомати пасаймаслиғи

омили» мақоласи (2017 йил 13 сентябр, 73-сон) учун.

Ноябрь ойида:

- Акбарали АЪЗАМОВ, Шаҳрисабз туманидаги 46-мактаб директори, «Мақоладан жуда таъсирландик» мақоласи (2017 йил 22 ноябр, 93-сон) учун.
- Муҳайё КЕНЖАЕВА, Дилором РЎЗИЕВА, Термиз давлат университети ҳузурдаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчилари, «Ўзга юрда саргардон бўлман!» (2017 йил 4 ноябр) мақоласини ўқиб...» мақоласи (2017 йил 22 ноябр, 93-сон) учун.
- Саёҳат ТОШМАТОВА, Яққасарой туманидаги 319-мактаб директори, «Бизни оғоҳликка чорлади» мақоласи (2017 йил 22 ноябр, 93-сон) учун.
- Муножат БУРҲОНОВА, Марҳамат туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси, «Жим бўл, тинч ўтир...» мақоласи (2017 йил 22 ноябр, 93-сон) учун.
- Анбарой АҲМЕДОВА, Шаҳрисабз туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси, «Оилада соғлом муҳит барқарорми?» мақоласи (2017 йил 22 ноябр, 93-сон) учун.

Танлов ғoлиблари «Ma'rifat» газетасига 2018 йил учун тахририят ҳисобидан bepul обуна қилинади. Шу муносабат билан муаллифлар обунани расмийлаштириш учун зарур бўладиган қуйидаги ҳужжатларни тахририятга тақдим этишлари лoзим:

паспорт нусхаси;

СТИР(ИНН) нусхаси;

почта манзили ва телефон рақами.

Сўралган маълумотлар тахририятнинг қуйидаги почта ёки электрон манзилига юборилишини сўраймыз:

100083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй;

e-mail: info@marifat.uz

Ҳуқуқ ва бурчларини англаб етган ўқувчилар



Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 7-мактабнинг 3-«А» синфида ўtkazилган навбатдаги тарбиявий соат дарси Бош Қомусимизнинг 25 йиллигига бағишланди.

Ёш авлодга миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аънаналаримизни чуқур ўргатиш, уларни бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етишга, эл-юрт манфаати учун фидойилик кўрсатишга ундаш мақсадида ташкил этилган дарсада ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга эътибор қаратилди.

Бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Ёқубова ўқувчиларга навбатдаги тарбиявий соат дарси Конституцияни ўрганишга бағишланишини айтиб, Бош Қомусимиз моддаларидан ёд олиб келишни вазифа қилиб берди. Ўқувчилар нафақат ёдлаб, балки тарбиявий соат дафтларига ёзиб, плакатлар тайёрлаб келишди. Буни кутмаган ўқитувчи дарсни кўтаринки кайфиятда бошлади ва бирин-кетин болалардан вазифани сўради. Муаллима дарсга қўйилган мақсадга эришганидан, яъни ўқувчилар қонунлар ҳаётимизни тартибга солиб турувчи асосий восита эканини, Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини англаб етганидан мамнун бўлди.

МУҲБИРИМИЗ

2017-yil 13-dekabr, № 99 (9060)

Валиева Камола Нуруллаевичнинг 14.00.22 — Травматология ва ортопедия ихтисослиги бўйича «Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозларнинг клиник-нур таъхиси ва даволаш» (тиббийёт фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» АЖ ва Тошкент тиббийёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.49.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли (Фарҳод кўчаси), 10-уй.
Тел/факс: (0-371) 277-69-10, 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru

Матқулиев Уткирбек Исмоиловичнинг 14.00.27 — Хирургия ихтисослиги бўйича «Портал гипертензияли беморларда қон кетишини профилактика қилиш ва даволашда каминвазелии арашувлар» (тиббийёт фанлари бўйича) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» АЖ ва Тошкент тиббийёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.49.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли (Фарҳод кўчаси), 10-уй.
Тел/факс: (0-371) 277-69-10, 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru

Собиров Мухторжон Махаммаджановичнинг 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси ихтисослиги бўйича «Инсектицид фаолиятка эга бўлган азот, фосфор, калийли мураккаб суспензияли ўғит олиш технологиясини яратиш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 20 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-А уй.
Тел/факс: (0-371) 262-56-60, 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru

Касимова Муҳлисaxon Саидакбарходжаевичнинг 14.00.36 — Аллергология ва иммунология ва 14.00.08 — Кардиология ихтисосликлари бўйича «Стенокардия патогенезининг иммуногенетик жиҳатлари» мавзусидаги (тиббийёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Республика Иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббийёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.50.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 21 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Академик Яхё Фуломов кўчаси, 74-уй.
Тел/факс: (0-371) 233-08-55; e-mail: immunologiya@qir.ru

Хегай Ольга Александровнанинг 14.00.36 — Аллергология ва иммунология ва 14.00.01 — Акушерлик ва гинекология ихтисосликлари бўйича «Аутоиммун тиреоидитли аёлларда репродуктив бузилишини олиб бориш тактикасини клиник-иммунологик асослаш» мавзусидаги (тиббийёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Республика Иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббийёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.50.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 21 декабрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Академик Яхё Фуломов кўчаси, 74-уй.
Тел/факс: (0-371) 233-08-55; e-mail: immunologiya@qir.ru

Охунов Исроилжон Исмоиловичнинг 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисослиги бўйича «*Strambe Koitschyana, C. orientalis* Diphthycarpus strictus ва *Convolvulus Krauseanus* ўсимликларининг алкалоидлари» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.К.05.01 рақамли бир марталик илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мурабийлар кўчаси, 19-уй.
Тел/факс: (0-373) 244-44-02, 244-44-91; e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru

Маттибаев Таслолат Балтабаевичнинг 22.00.02 — Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи (социология фанлари) ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари» (социология фанлари бўйича) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгаши асосида бир марталик илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУнинг Ижтимоий фанлар факультети, 117-хона.
Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@nuu.uz

Сотимов Ғайрат Бахтиёрвичнинг 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисослиги бўйича «*Thermopsis alterniflora* ўсимлигини комплекс қайта ишлашда алкалоидлар ва флавоноидлар асосида дори воситаларининг субстанцияларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 83-уй.
Тел/факс: (0-371) 262-35-40, 262-70-63; e-mail: info@biochem.uz

Бобаматов Абдуғани Хусайновичнинг 05.02.03 — Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари ихтисосликлари бўйича «Пахта ни майда ифлосликлардан тозалашнинг самарали конструкциясини яратиш ва ҳисоблаш усуллариининг илмий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.08.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 222-хона.

Тел/факс: (0-371) 253-06-06, 253-36-17.

Мансурова Муниса Анваровнанинг 05.06.04 — Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни ихтисослиги бўйича «Кенгайтирилган характеристикали икки илти занжирли бахчаларни олиш технологияси ва тикув машинаси ишчи органларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.08.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 222-хона.

Тел/факс: (0-371) 253-06-06, 253-36-17.

Абдишарифова Гулнара Жолдасбаевичнинг 03.00.05 — Ботаника ихтисослиги бўйича «Қорақалтоғистоннинг доривор ва асал-ширали ўсимликларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилон фойдаланиш йўллари» мавзусидаги (биология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.В.39.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй.

Тел/факс: (0-371) 262-37-95, 262-79-38; e-mail: botany@academy.uz

Шаринова Василя Кўйсинаовнанинг 03.00.05 — Ботаника ихтисослиги бўйича «*Ferula L. (Ariaceae Lindl.)* туркуми айрим турларининг структуравий ва мослашиш хусусиятлари» мавзусидаги (биология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.В.39.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй.

Тел/факс: (0-371) 262-37-95, 262-79-38; e-mail: botany@academy.uz

Вайсов Искандар Адхамджановичнинг 14.00.11 — Дерматология ва венерология ихтисослиги бўйича «Наслсиз ниҳок, урогенитал инфекцияга чалинган эркаклар репродуктив функциясининг патогенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги (тиббийёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педатрия тиббийёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 18 декабрь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.

Тел/факс: (0-371) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com

Латишов Шердор Мирзоевичнинг 01.01.01 — Математик анализ ихтисослиги бўйича «Бир умумлашган Фридрихс моделининг муҳим ва дискрет спектрлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй.

Тел/факс: (0-366) 239-11-40; e-mail: devonxona@samdu.uz

Улашов Собир Саҳибжановичнинг 01.01.01 — Математик анализ ихтисослиги бўйича «Панжарадаги иккита ихтиёрли заррачали системага мос Шредингер оператори дискрет спектри» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 22 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй.

Тел/факс: (0-366) 239-11-40; e-mail: devonxona@samdu.uz

Саидов Дониёр Юсуповичнинг 05.01.03 — Информатиканинг назарий асослари ихтисослиги бўйича «Англаш масалларида аломатлар фазосининг нозичиқли алмаштиришларига асосланган ахборот моделлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 23 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети.

Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@nuu.uz, nauka@nuu.uz

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



алоҳида эътибор қаратади.

Аҳамиятлиси, ҳар бир машғулот иш ўқитувчилар учун маҳорат дarsi вазифасини ўтаб келмоқда. «Дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш», «Компетенциянинг турлари» мавзуларида семинарлар ташкил қилиб, ёш ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Г.Ембергенова бу йил «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» кўрик-танловнинг республика босқичида ғолиб бўлди.

— Беллашув ўқитувчини чарқайди, уни ўз устида ишлашга, маҳоратини янада оширишга ундайди, — дейди у. — Мен ҳам шу танловда қатнашиш асносида кўп

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



Дарс машғулотини соҳна сарирга айлантира олган ўқитувчини ўқувчилар соғиниб кутади. Ўқувчиларнинг фанга иштиёқи саволларида акс этса, ўқитувчининг илми меҳр тўла нигоҳларида намоён бўлади.

Китоб туманидаги 1-ИДУМнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танлови ғолиби Дилноза Бердиева ўқувчи қалбига йўл топа олган ана шундай изланувчан муаллимлардан. Ўқитувчилик касбига меҳри болаликдан уйғонган. Хайрабод қишлоғидаги 36-мактабда таълим олган кезларидаёқ келажакда шу касбни эгаллашни кўнглига тугиб юрарди. Бунга бошланғич синф ўқитувчиси Шахрибону Ўриновага ҳаваси сабаб бўлган. Болаликдаги ҳавас ва инти-

эгаллаб келмоқда. Икки йил аввал 5-синф ўқувчиси Нозима Раҳмонова, 6-синф ўқувчиси Асила Дўстова, 8-синф ўқувчиси Шахризода Ўринова билимлар беллашувининг вило-

Ҳар бир машғулотни маҳорат дarsi

Самарали меҳнат, касбга садоқат кишининг жамиятда ўз ўрнини топиши ва юксак ютуқларга эришишида муҳим омил бўлади. Хўжайли туманидаги 57-мактаб ўқитувчиси Гауҳар Ембергенова ҳам кўп вақт ютуқларга эришиб келаётган шундай замондошларимиздан.

Изланувчан, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан киришга одатланган Г.Ембергенова қарийб чорак асрдан буён ёш авлодга қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериш асносида ўқувчи-ёшларнинг юксак маънавиятли авлод бўлиб улғайишига ҳам

ўқиб, изландим. Ўқитувчи доимо замон билан ҳамнафас бўлиши лозимлигини англадим. Айниқса, танловнинг нотаниш муҳит, қўтилмаган мавзу ва нотаниш синфда машғулот олиб бориш шартли ўқитувчи ўз касбининг ҳақиқий устаси эканини намоён қилади. Танловнинг ҳар бир босқичида ҳамкасбларимнинг илғор тажрибаларини, педагогик маҳоратини ўзлаштириб бордим. Би сўз билан айтганда, танлов ҳар бир ўқитувчи учун тажриба ортириш, маҳорат ошириш майдонидир.

Мақтаб жамоасининг фахрига айланган Г.Ембергенова дарсларни қизиқарли ташкил этиш, АКТдан фойдаланишга оид илғор педагогик тажрибаларини туман ўқитувчилари билан ўртоқлашиб келмоқда.

И.ЖУРАЕВ

Меҳр — ўқувчи қалбига йўл

лиш ҳалигача Дилнозанинг фазилатларидан бири сифатида кўзга ташланиб, тинимсиз меҳнат орқали ҳамкасбларининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Унинг «Мухаммад Юсуф шеърини», «Она тили ва адабиёт фанидан тестлар мажмуаси», «Гагларни синтактик таҳлил этишнинг аҳамияти», «Вазифадош кўмакчида ва мустақил сўзлар орасидаги масофа» каби намунавий ўқув қўлланмалари оммалаштирилган. Ўқитувчининг ташаббуси билан мактабда «Олтин қалам» тўғараги иш олиб бормоқда. Эътиборлиси, бу тўғараққа қўшни мактаб ўқувчилари ҳам аъзо бўлишган. Шогирдлари фан олимпиадаси ва билимлар беллашувининг туман, вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни

ят босқичида фаол иштирок этган бўлса, ўтган йили Нозима Раҳмонова билимлар беллашуви, Шахризода Ўринова фан олимпиадасининг туман босқичида ғолиб чиқди.

— «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танловида энг иқтидорли 14 нафар ўқитувчилар билан беллашдик. Нотаниш синфларда дарс ўтиш шартлида хоразмлик ва бухоролик ҳамкасбларим Санобар Ражабова, Гулчехра Чўлиевалар билан баҳс олиб бордик, — дейди Дилноза Бердиева. — 8-синф «Она тили» фанидан «Ерданчи сўзлар» мавзусини тушуниришда қизиқарли ўйинларга мурожаат этдим. Бу менга муваффақият келтирди.


Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Физика-математика фанлари доктори, профессор Бозор Исломов 1957 йил 17 декабрда Оқдарё туманидаги Қирқдархон қишлоғида туғилган. Унда математика ва физикага қизиқиш ўқувчилик кезларидаёқ пайдо бўлган. Шу сабабли математика ўқитувчилари Эгамберди Ҳақбердиев ва Рустам Мелиевнинг маслаҳати билан Тошкентдаги Физика-математикага ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таълимни давом эттиради. 1975 йили ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг математика факультетида ўқишга кириб, 1980 йили тамомлайди.

Фидойи олим, талабчан устоз

Тиришқоқ талабанинг дифференциал ва математик физикага қизиқишини сезган устозлари уни айна шу соҳани чуқурроқ ўрганишга ундашди. 1981 йилдан Ўзбекистон Республикаси ФА Математика институтида илмий изланишларини давом эттирди. Изланиш натижалари асосида у ЎзР ФА Математика институтини аспирантурасига кириб, 1986 йилнинг декабрь ойида «Битта ва иккита бузилиш чизигига эга бўлган умумлашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1997 йилда илк бор шогирдлари билан икки боғламли соҳаларда битта ва иккита бузилиш чизигига эга бўлган учинчи



тартибли аралаш эллиптик-гиперболик тенгламалар учун Бицадзе-Трикоми ва Геллерстедт масалаларини ўрганди.

Бозор Исломов 1991-

1994 йилларда Математика институти докторантурасида ўқиб, 2000 йилнинг февралда «Иккита бузилиш чизигига ва текислигига эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар назариясида оид» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади.

Унинг турли соҳа чегарасида ва ичиди битта ҳамда иккита бузилиш чизигига эга бўлган юқланган аралаш типдаги тенгламалар учун Бицадзе-

зе-Самарский масаласига ўхшаш масалаларни ўрганиши биринчи тур аралаш типдаги тенгламалар назариясининг янги йўналишига асос солди. Олим 1990 йилда фан ва техника соҳаси бўйича дифференциал тенгламалар назариясига оид туркум изланишлари учун махсус мукофотга сазовор бўлди. Иккита бузилиш чизигига эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар бўйича олган илмий натижаларининг бир қисми «Иккита бузилиш чизигига эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар» номли монографиясида ўз аксини топган. Бозор Исломов 1 монография, 9 ўқув-услубий қўлланма, 160 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи дир.

Сермазмун илмий фаолияти билан бир вақтда педагогик фаолият ҳам олиб бормоқда. 1986 йилдан Ўзбекистон Миллий университетида «Олий математика», «Дифференциал тенгламалар», «Математик физика тенгламалари», «Математик физиканинг ноқлассик тенгламалари»



каби фанлардан дарс бериб келади. Домла нуфузли халқаро олий ўқув юртлари тажрибасига ижодий ёндашган ҳолда дарсларни интерфаол усулда олиб боради. 2017 йили «Олий ўқув юртининг энг яхши педагоги» республика кўрик-танлови ғолиби бўлди.

Физика-математика фанлари доктори, профессор Бозор Исломовнинг ютуқлари, илм-фан соҳасида эришган тажриба ва маҳорати шогирдлари учун мактаб вазифасини ўтамоқда.

Аҳмаджон ЎРИНОВ,
Физика-математика фанлари доктори, профессор

2017-yil 13-dekabr, № 99 (9060)

Миллий матбуот марказида Марказий Осиё кураш федерацияси томонидан «Курашнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва Марказий Осиё кураш федерациясида олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Кураш — ҳам спорт, ҳам санъат

Унда федерация вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Анжумани Марказий Осиё кураш федерацияси раиси Холмуродали Мубораков очиб, курашнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва бу борада келгусидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Келаси йили минтақада

ушбу спорт турини янада ривожлантириш мақсадида турли мусобақа, ўқув-машгулот йиғинларини ўтказиш режалаштирилган, — деди Марказий Осиё кураш федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мурод Дўсумбетов. — Бизда бунинг учун тажриба ҳам, имконият ҳам етарли. Қолаверса, Марказий Осиё дав-

латлари полвонлари кураш бўйича сайёрамизда энг kuchlilardan саналади. Фарзандларимизнинг томirlarida kuragi yerga tegmagan azim pahlavon ota-bobolarimiz qoni oqmoqda. Улар минг йиллардан буён шу спорт тури билан шуғулланади. Айтиш мумкинки, бугун кураш бизда санъат даражасига кўтарилган.

Матбуот анжуманида Марказий Осиё кураш федерациясига аъзо давлатлардан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон вакиллари ҳисоботи тингланди. Яқунда ҳамкорликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Шоҳсанам МАХМУДОВА,
«Ma'rifat» мухбири



ФИНАЛГА ТЕНГ УЧРАШУВЛАР

Швейцариянинг Ньон шаҳрида футбол бўйича Европа Чемпионлар лигасининг 1/8 финал босқичи учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди, дея хабар берди «Спорт» нашри.



Гуруҳ босқичини муваффақиятли яқунлаган жамоалар мусобақанинг нимчорак финалидаги ракибларини билиб олди. Хусусан, «Бавария» — «Бешикташ», «Челси» — «Барселона»,

«Шахтёр» — «Рома», «Реал» — «ПСЖ», «Севилья» — «Манчестер Юнайтед», «Порту» — «Ливерпуль», «Базель» — «Манчестер Сити» ва «Ювентус» — «Тоттенхэм» клублари ўзаро куч синашади.

Дастлабки ўйинлар 13-14 ва 20-21 февраль кунлари бўлиб ўтса, жавоб учрашувлари 6-7 ва 13-14 мартда ўтказилади. ЕЧЛнинг навбатдаги голиби 26 майда Киев шаҳрида аниқланади.

ЕТТИНЧИ БОР «ЭНГ ЯХШИ»

Дунёнинг иккинчи рақамли теннисчиси Рожер Федерер Швейцарияда «Йил спортчиси» дея эътироф этилгани ҳақида «Blick» газетасида ёзилди.



Нуфузли мукофот соҳибига Цюрих шаҳрида тантанали равишда берилди. Эътиборлиси, энди Рожер ҳисобида бундай совринлар сон еттитага етди. У орда қолаётган йил мобайнида Уимблдон ва Австралия оқчқ чемпионати билан бирга еттита совринни кўлга киритди.

Тоғ чангиси комбинацияларида жаҳон чемпионлигини кўлга киритган Венди Холденер эса мамлакатнинг «Энг яхши аёл спортчиси» совринига сазовор бўлди. Унинг устози Федерер Северин Люти эса «Йилнинг энг яхши мурабийи» бўлди.

Футбол бўйича 2018 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олган миллий терма жамоа эса «Йил жамоаси» бўлди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Нафосатнинг нафис ҳаракатлари

Нафосат Баротова ўзининг тиришқоклиги, интилувчанлиги билан ажралиб туради. Унинг жисмоний тарбия фанига қизиқиши кучли. Бошланғич синфларда ўқиб юрган кезлари энгил атлетиканинг 30-100 метрга югуриш, баландлик ва узокликка сакраш бўйича синфдошларини ортада қолдирарди.

Йиллар ўтгани сайин спорт Нафосатнинг доимий ҳамроҳига айланди. Бора-бора ўз ҳаётини спорт билан боғлади. Буни кўрган ота-она ўз дилбандига катта ишонч билдириб, унинг келажакада спортчи бўлиши учун имконият яратди. Спортчи қизнинг ўзи эса шунчаки қизиқишлари билан чекланмади, осмон қадар орзулари уни Қарши давлат университетига етаклади. Бу ерда у жисмоний маданият ва спорт факультетига тахсил олди. Бўлгуси мурабий олий ўқув юртида тажрибали устозлардан ҳам назарий, ҳам амалий билим олди.

Нафосат университетни муваффақиятли тамомлагач, ўзи тугилиб ўсган қишлоққа қайтди. Тўрт йил олдин ўзи таълим-тарбия олган Косон тумани Мудин қишлоғидаги 15-мактабга ўқитувчи бўлиб келди. Ўқиш йилларида спорт мусобақаларида чиниққан, талабчан ва масъулиятли ёш мурабий ўқитувчилик фаолиятида қисқа вақт ичида кўплаб ютуқларга эришди. Мактабда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди.

Пировардда ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқиши ортиб, кўкси медаллар шодасига тўла болалар сафи кенгайди. Ёш мутахассиснинг бундай саъй-ҳаракати туман халқ таълими бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилди, эътироф этилди. Унинг «Инсон саломатлигида спортнинг тугган ўрни» мавзусидаги ўқув қўлланмаси вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Мурабий ўз шогирдларига спорт фақатгина чемпион бўлиш учун эмас, балки соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун ҳам зарур эканини ўқтиради. Спорт билан шуғулланиб, руҳий ва жисмоний те-

тиклиги ошган, иродаси мустаҳкамланган болалар кейинчалик ҳаёт қийинчиликлари қаршисида ўзини йўқотиб қўймайди.

Мурабий билан сўхбатлашиб, болалар билан машгулотларини кузатиб, чин маънода ҳавасимиз келди. Спорт билан шуғуллангани ҳаракатларининг чаққонлиги ва дунёқарашининг кенглигида яққол билиниб турибди. У мактабда ташкил этилган кўл тўпи, стол тенниси, футбол, волейбол, баскетбол, энгил атлетика, дзюдо, шахмат, шашка тўғрақлари мурабийлари билан ҳаммиша бирга фикр алмашади, тажрибасини ўргатади, ўрганади.

— Ўқувчиларимиз «Умид ниҳоллари — 2018» спорт мусобақаларида доимидек фаол қатнашмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Улуғбек Тўрақулов. — Ўтган ўқув йилида бўлиб ўтган ушбу фестивалнинг вилоят босқичида кўл тўпи ва бадминтончи қизларимиз 1-ўринни, баскетболчи қизлар жамоаси фахрли ўринларни кўлга киритди. 8-синф ўқувчиси Муниса Носирова стол тенниси бўйича 2-ўринни олди. Қамаш туманида ўтказилган хотира турнирида эса ўқувчиларимиз футбол ва бадминтон мусобақаларида 1-ўринга сазовор бўлди. Баскетболчи қизларимиз мазкур турнирда 3-ўрин соҳиб бўлди.

Шунингдек, Қарши шаҳрида «Биз гиёвандликка қаршимиз» шиори остида ўтказилган спорт мусобақасида кураш бўйича ушбу мактабнинг умидли полвонлари — 4-синф ўқувчиси Жаъфар Холиқов 29 кг, 8-синф ўқувчиси Жўрабек Тўйчиев 38 кг вазн тоифасида 1-ўринни кўлга киритди. Ушбу ютуқларга эришишда аввало мактабнинг аҳил педагогик жамоаси, қулай шарт-шароит ва жисмоний тарбия ўқитувчилари — Нафосат Баротова ва Бекзод Носировнинг ҳиссаси бекиёс. Уларнинг ютуқлари, интилишлари қолган ҳамкасбларини ҳам кўпроқ изланишга, меҳнат қилишга ундайди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Абдуллаев Аминбой Гулмурзаевичнинг 11.00.02 — Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисослиги бўйича «Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойлаштиришнинг иқтисодий-географик хусусиятлари» (Хоразм вилояти мисолида) мавзусидаги (география фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳамюси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 19 декабрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУнинг Геология ва география факультети, мажлислар зали.

Тел./факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@pmu.uz

Маматқулов Хуршид Абдурашидовичнинг 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили) ихтисослиги бўйича «Педагогларда хоржий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш» мавзусидаги (педагогика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳамюси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9А мавзе, 21-уй. Тел.: (+99895)195-11-61.

Рашидова Феруза Мусаеванинг 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича (хоржий тилларни ўқитиш методикаси бўйича) «Ўзбекистон уздуксиз таълим тизимида CEFRни татбиқ этишининг концептуал-методик асосларини такомиллаштириш (инглиз тили мисолида)» мавзусидаги (педагогика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳамюси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 декабрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9А мавзе, 21-уй. Тел.: (+99895)195-11-61

Кличева Оля Бахтияровнанинг 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар ихтисослиги бўйича «О-карбоксаметилахитозан синтези, хоссалари ва қўлланиши» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳамюси ЎЗР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтини хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 19 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-Б уй. Тел./факс: (0-371) 241-85-94, 241-26-61; e-mail: polymer@akademy.uz

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи расмий веб-сайти — www.uzedu.uz да вазирлик марказий аппарати 2018 йилга обунани ташкил этиш, газета ва журналларни (рўйхати веб-сайтада берилган) харид қилиш учун танлов савдолари ўтказилиши эълон қилинган.

Буюртмачи мазкур танловларда иштирок этиш учун газета ва журналларни етказиб берувчи ташкилотларни таклиф этади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун таклифлар 2017 йил 18 декабрь кuni соат 15:00 га қадар Танлов комиссияси(100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги)га тақдим этилиши лозим. Маълумот учун телефон: (+99871) 239-89-84.

Республика таълим маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор, умумтаълим мактабларининг 5-6-синф биология дарсликлари муаллифи

Ўқтам ПРАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

BO'LALAR ADABIYOTI + CD

O'ZBEKISTON BOLALARI VA O'SMIRLARINING ADABIY-BADIIY JURNALI

**Болалар учун
обозли креатив журнал!
Обуна бўлинг!**

Муассис: Республика болалар кутубхонаси

www.odob.uz +99894 647-28-23 @bolalar_adabiyoti

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Матбуот тарқатуриларида суран!



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида Навоий шаҳридаги 27-мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий бошланғич таълим муассасаси

Жорий йилда вилоятда 4 мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилиниб, 6 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 2018 йилда 10 мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

— Муассасамиз замонавий қиёфа касб этиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланди, — дейди 27-мактабгача таълим муассасаси мудираси Машхура Ҳамидова. — 220 ўринга мўлжалланган масканда болаларга олий маълумотли, кўп йиллик тажрибага эга педагоглар таълим-тарбия бermoқда. Турли фан, спорт ва санъат тўғараклари энг сўнгги анжомлар билан жиҳозланди.

«Навоий Гранд Дилайвер» маъсулияти чекланган жами-

яти қурувчилари томонидан 1 миллиард 85 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган масканда ёзги болалар ўйин майдони қурилиб, турли аттракционлар ва эртак қаҳрамонларининг ҳайкали ўрнатилди.

Шу кун Учкудук туманида ҳам учта мактабгача таълим муассасасининг реконструкция ва мукамал таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди.

ЎЗА суратлари.



Берилиб мутолаа қилаётган инсонни кузатганмисиз? У шунчалик иштиёқ билан ўқийдики, гўёки борлиқ оламини унутиб, севимли асари ичига кириб кетгандек бўлади...

Китобдан яхшироқ дўст борми?

Миробод туманидаги 94-мактабда Тошкент шаҳридаги барча туманлар АРМ раҳбарлари, мактаб кутубхоналари ходимлари учун ўтказилган «Ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этишнинг аҳамияти» мавзусидаги семинарда болалар китобхонлиги юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда ушбу мактабнинг АРМ раҳбари Мухаббат Темированинг «Ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этишнинг аҳамияти» ва тумандаги 31-мактаб кутубхона мудираси Сурайё Газизованинг «Мактаб кутубхонасининг иш фаолияти, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш» мавзусидаги маърузалари тинланди.

— Семинарда ахборот-ресурс марказлари ва мактаб кутубхоначилари ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди, — дейди Миробод тумани АРМ раҳбари Василя Солиҳбекова. — Ҳар бир мутахассис ўз китобхоналари билан янада кўпроқ ишлаш, болаларни китобхонликка жалб этишнинг янги усуллари билан танишишди.

Тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан мавзуга оид бадий ва кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

О'збекистон Халқ та'лими вазирлиги,
О'збекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, О'збекистон
Та'лим, фан ва маданият
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-1215. Tiraji 33802.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Nazokat XOLMETOVA.
Navbatchi:
Dilmurod DO'STBEKOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.55 Topshirildi — 01.00

12356